



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАДИМГИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИ ВА ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИДА МАЬНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Ҳақлиев В.Б.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси,
т.ф.н., доцент

Аннотация: Уибу мақолада маънавият, миллий қадриятларнинг аҳамияти ҳақида фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: Маънавият, энг қадимий аждодларимиз, маърифат, асотир, афсона ва қадимий ёзувлар, мифлар, яхшилик, ёмонлик, Митра, Анахита, Ахура Мазда, халқ нажоткори ва халоскори.

Бизнинг энг қадимий аждодларимиз маънавият ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб, ҳозиргача сақланиб қолган асотир, афсона ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир. Марказий Осиё халқларининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, баҳт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик ёмонлик, баҳтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарамақарши қўйилган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш мифологик образлар – Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқа образларда мужассамлаштирилган. Митра – Қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, баҳт-саодат баҳш этади. Шу билан бирга, у яхши қуролланган бўлиб, душманларга даҳшат солади, кишиларни оғатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга паҳлавон сифатида тасвиранган. У душманга қарши шафқатсизлик жанг қиласи ва уни маҳв этади. Митра ўтда куймас, сувда чўқмас, ўқ ўтмас қаҳрамон. Каюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуд – ҳўқиз ва одамдан ташкил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг ҳўқиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўқиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; тананинг одам қисмидан эса эрқак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган деб тасвиранади. Йима (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвиранган. Шундай қилиб, юқоридаги каби халқ оғзаки ижоди – мифларда халқ нажоткори ва халоскори тасвиранади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончи тасвиранган.

Қадим Марказий Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутади. Уларда халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши мардонавор қураши асосий ўрин эгаллаган. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ эпосларида ватанпарвар ва

фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган. «Тўмарис» эпосида Марказий Осиё ахолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан милоддан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган Эрон аҳамонийлари шохи Кирга қарши массагет қабиласининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи милоддан аввалги 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади, боши танасидан жудо этилиб, қон тўлдирилган мешга солинади. «Широқ» эпоси ҳам Марказий Осиё ҳалқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, Ватан ва ўз ҳалқи бахти-саодати йўлида фидойилик қилишга шай туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида тасвирланган. Тўмарис ва Широқ ҳалқ қаҳрамонлари бўлиб, ўз ҳалқи, Ватани учун жонини ҳам аямаган мислсиз мардлик ва жасорат тимсоли саналади. Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун-Энасой ёдгорликлари сақланиб қолган. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари V–VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул Тагин, Билка Қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган матнлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувлар туркий-рун ёзуви деб ҳам юритилади. Рун ёзуви – «яширин», «сирли» ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган. Кул Тагин Билка Қоон – улуғ ҳоқоннинг укаси бўлиб, 732 йилда вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Кул Тагин қабр тошида ўз укасининг вафотидан қаттиқ қайғуга тушган Билка ҳоқоннинг тилидан айтилган жудолик қайғуси – марсияси бадиий ифодаланган. Чунончи: агар Кул Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим, кўтарар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди. Қисматни кўк само (худо) тақсим қиласди, одам боласи ўлиш учун туғилган каби фикрлар ёзилган.

Кул Тагин қабр тоши ёзуви турк ҳоқонлигининг ижтимоийсиёсий ҳаёти, қабила ва ҳалқларининг урф-одатлари, тили ва мафкураси билан таништирувчи манбадир. Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган, деган холоса чиқара оламиз. Биз бу билан фаҳрланишимиз лозим. «Авесто»да инсон, унинг маънавияти масалалари. «Авесто» – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Унинг тарихий аҳамияти ҳақида

Зардушт милоддан аввалги 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлиб якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шухрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Уни осишга ҳукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб, ҳозирги Афғонистон томон йўл олади ва ўз ғояларини тарғиб этади. У 77 йил умр кўрган. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар мобайнида яратилган. Зардушт «Авесто»нинг қадимий нусхаларини ўрганиб ва тўплаб, бир китоб ҳолига келтирган. У 30 та коҳин билан уч

йил давомида «Авесто»нинг билимларини йифиб, бир тизимга солган ва 12 минг хўқиз терисига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган. «Авесто» қуидаги беш қисмдан иборат: 1. Вендинод – 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда ер юзидағи барча мавжудотларнинг яратувчиси эканлиги баён этилади. 2. Виспарад – 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Зулматга қарши кучлар куйланади.

3. Ясна – 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимида айтиладиган қўшиқлардан ташкил топган. 4. Яшт – 22 қўшиқдан иборат, унда зардуштийлик маъбудлари мадҳ этилган. 5. Хўрда Авесто – (Кичик Авесто) – Қуёш, Ой худолари ва бошқа маъбудлар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат. Зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби «Авесто»нинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозир Копенгагендаги кутубхонада сақланиб келмоқда. Зардуштнинг ўзи тарихий шахс бўлгани ҳам мунозарали масала. «Зардушт» – сариқ тую минган, деган маънени англаатади. «Авесто» таълимотига кўра, оламда иккита – яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик каби қарама-қарши кучлар мавжуд бўлиб, улар ҳамиша муросасиз курашиб келадилар. Яхшилик ва ёруғлик кучларига Ахура Мазда бошчилик қиласи. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади. «Авесто»да маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор берилган. Чунки «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин¹. «Авесто»да меҳнат ниҳоятда улуғланади, яхшилик ва моддий бойликлар манбаи деб ҳисобланади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. Унда: «Дон эккан киши такводорлик уругини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, иймонни озиқлантириб туради», – дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга teng. Экин экиш, меҳнат қилиш ердаги ёвузликни йўқотишга тенглаштирилади. «Ғалла ердан униб чиққанида, – дейилади «Авесто»да, – девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганида девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчилиб ун қилинаётганида улар маҳв бўлади...». «Авесто»да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қуидаги учликда: Гумата – яхши фикр, Гугта – яхши сўз, Гваршта – яхши иш ифодаланади. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман», – деб таъкидлайди Ахура Мазда. Яхши фикр деганда, якин кишиларга меҳрибонлик, муҳтоҷлик, хавф-хатар остида қолганда, ёрдам беришга шайлик, одамлар баҳтсаодати учун фаол курашга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳилтотув яшаш кабилар тушунилади. Яхши сўз деганда, ваъда вафо қилиш, берган сўзининг устидан чиқиши, савдо-сотиқ ишларида ҳалол бўлиш, қарзини ўз вақтида узиш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан тийилиш кабилар тушунилган. Яхши ишлар деганда, инсоннинг ўз хатти-ҳаракатида, яхши фикр ва яхши сўзларida илгари

сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиши назарда тутилади. Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам шафқатли бўлишни талаб қилган. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш гуноҳ ҳисобланган. Кишилар фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларни ўз вактида озиқлантириб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этилган. «Авесто»да тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ифлос кўзада сув олган киши беш дарра уриш билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш қатъяян қораланган. «Авесто»да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруг, ака-уканинг қуда-анде бўлиши қораланган. Ҳозирги тиббиёт фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги қудачилик муносабатлари наслга салбий таъсир кўрсатишини исботлаган. Аждодларимизга бу қадимдаёқ маълумлиги ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Шундай қилиб, Марказий Осиёда кенг тарқалган қадими зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига муҳим аҳамият берилган. Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадими талабларидан. Оила ва никоҳ яратганинг талабига мос келгани боис, уни бузиш тақиқланган. Оилада эр ёки хотиннинг ахлоқизлик, яъни бузуқчилик содир этиши таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар. Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. «Авесто»да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасдан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган.

Қасдан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилиб, белига темир камар боғлаб юриш буюрилган. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепаликда бўлиши кераклиги, у ерларда мевали дараҳт ўстириш мумкин эмаслиги, арча, кайрагоч каби мевасиз дараҳтлар ўстириш кераклиги таъкидланади. «Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи бўлган Илон ва жом тасвиrlанган. Бу ҳам маънавиятимиз қадимиyllигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Китобда маърифат, илм ва ҳунарни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган. Хулоса шуки, «Авесто» китобида аждодларимизнинг кўп минг йиллик маънавий мероси намуналари аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби иллатлар қораланади, соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий фазилатлар тарғиб этилади. Монийлик ва маздакизм таълимотларида маънавият масалалари. Марказий Осиёда қулдорлик жамияти милодий II–III асрларига келиб инқирозга юз тутиши ва ўз ўрнини феодал муносабатларга бўшатиши зардуштийлик ичida янги оқим – монийлик таълимотининг юзага келиши ва кучайишига олиб келади. Ушбу оқимнинг асосчиси бўлган Моний (216–276 й.) тарихий шахсадир. Унинг таълимоти ҳукмрон табақалар манфаатига зид бўлгани учун 276 йилда ваҳшийларча ўлдирилган. Монийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ҳақида «Сир ул-асрор» (Сиру асрор китоби), «Китоб ул-худо-вост-тадбир» (Раҳбарлик ва бошқарув китоби), «Шабуркан» ва бошқа асарларда

ҳам баён этиб ўтилган. Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик таълимотига асосланган бўлиб, кенг халқ оммасининг манфаатига мос келган. Монийлик таълимотида дунё зиё (ёруғлик) ва зулмат (қоронғулик)нинг абадий кураш майдонидан иборат, мана шу кураш майдонида инсоннинг асосий вазифаси ёвузликни йўқ қилиш учун яхшилик, эзгуликка кўмаклашиш деган маънавий-ахлоқий таълимот илгари сурилади. Моний таълимотида инсон софликка, ўз гуноҳларидан холиликка фақат таркидунё қилиб, ҳаёт кечириш орқалигина эришиши мумкин, деб ҳисобланади. Монийлик ахлоқи диндорлардан имкони борича кам овқат ейиш, рўза тутиш, ўз турмуши, ҳаёти учун керагидан ортиқча мол-мулкка, бойликка ружу қўймаслик, дабдабасиз, ўртacha ҳаёт кечиришни тарғиб этади. Моний ўз муридлари, издошларини дунёвий ишларда сурбет бўлмаслик ва дунёда кўп нарсаларга интилмасликка даъват қиласди. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти давомида ортирган бойликларини ўзи билан нариги дунёга олиб кета олмайди, уларнинг ҳаммаси ундан кейин қолиб кетади. Моний айтади: «Мен ўз умримда кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда ахлоқизлик қилиб, манманликка берилиб юрдилар, аммо охирида ғам-алам, тубанликка дучор бўлдилар». Демак, Монийнинг бу сўzlари ҳамма учун таалуқли, ибратдир. V асрнинг охири VI аср бошларида Эронда «маздакизм» деб аталган бошқа бир диний-фалсафий таълимот юзага келиб, у Марказий Осиёда ҳам кенг ёйилди. Маздакизм феодал муносабатларнинг ривожи билан боғлиқ ҳолда халқ ахволининг оғирлашуви, икки ўртада зиддиятлар ва курашнинг кучайиши оқибатида юзага келган. Маздакизм монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик – ноумидлик ғояларини дунёга умид билан қарашибояларига алмаштиради. Маздак Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган. Дехқонлар қўзғолонига йўлбошлиқ қилганлиги учун 529 йилда Ануширвон томонидан қатл этилган. Маздак феодал мол-мулкини умумийлаштиришни, феодаллар ҳукмронлигини йўқотишини талаб этади. Маздакизмда дунёни тушуниш асосида бир-бирига қарама-қарши икки куч: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат кураши ётади деб қаралади. Бу курашда яхшилик ёмонлик устидан, ёруғлик зулмат устидан ғалаба қиласди, деб ишонч билдирилади. Маздакнинг айтишича, ёмонлик ва зулмат кучлари ҳукмронлик қиласди, кишилар уларга нисбатан бефарқ бўлмасликлари, балки яхшилик кучларига ёрдам беришлари керак. Маздакнинг фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасида зиқналик, ўғрилик, ёмонлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман фалокат ва баҳтсизликларни келтириб чиқаради. Шу боис бундай ёвузликларни келтириб чиқарувчи асоснинг ўзини тугатиш керак, деб ҳисоблейди. Аллоҳ ҳаммага молмулкни тенг бўлган, аммо бойлар худбинлик қилиб, барча неъматларни ўзлаштириш йўлига ўтган. Камбағаллар ҳам мол-мулкка эгалик қилиш хуқуқига эга, шу боис бой-бадавлат кишилар молмулкининг бир қисмини камбағал, бечораларга тақсимлаб бериши одил иш бўлади деган ғоя илгари сурилади. Албатта, Маздакнинг бундай қарашлари ҳукмрон табақа манфаатларига зид бўлган. Мана шунинг учун ҳам Маздак ва унинг тарафдорлари таъқиб қилинган ва шафқатсиз жазоланган.



CANADA

INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION
International scientific-online conference



CANADA

Хулоса шуки, халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликлари Марказий Осиё халқларининг маънавий юксалиши, айниқса, уларнинг адолатсизлик, зулм, зўрлик, шафқатсизликка қарши курашларига ўз таъсирини ўтказган.